

**С.Э.Элмирзаев – ТМИ кафедра мудири, и.ф.д., проф.  
Н.Ш.Шавкатов - ТМИ, таянч докторант**

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ВА КОРПОРАТИВ ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТ**

Мақолада давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг самарали амал қилишини таъминлаш орқали бизнес ва мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш борасида тадқиқотлар ўз аксини топган.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини ривожлантириш ва корпоратив ижтимоий масъулият кучайтириш орқали ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишлари келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** хусусий сектор, давлат сектори, давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари, ижтимоий соҳа, корпоратив ижтимоий масъулият, бизнес нуфузи.

## **ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО И КОРПОРАТИВНАЯ СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ**

В статье отражены исследования бизнеса и экономического развития страны путем обеспечения эффективного государственно-частного партнерства и корпоративной социальной ответственности.

Указаны направления развития социальной сферы посредством развития государственно-частного партнерства и усиление корпоративной социальной ответственности.

**Ключевые слова:** частный сектор, государственный сектор, государственно-частные партнерства, социальная сфера, корпоративная социальная ответственность, деловая репутация.

## **PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP AND CORPORATE SOCIAL RESPONSIBILITY**

The article reflects research on business and country economic development by ensuring effective public-private partnerships and corporate social responsibility.

The directions of development of the social sphere through the development of public-private partnerships and the strengthening of corporate social responsibility are indicated.

**Keywords:** private sector, public sector, public-private partnerships, social sphere, corporate social responsibility, business reputation.

### **Кириш**

Бугунги кунда мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка бевосита боғлиқ. Чунки маълум бир функцияларини молиявий таъминлаш билан боғлиқ муаммолар туфайли давлат хусусий сектор, хусусан корпоратив тузилмалар билан ҳамкорлик қилиши қатор йиллардан буён жаҳон иқтисодиётида ўз самарасини бериб келмоқда. Натижада давлат ва хусусий

шерикчилик муносабатлари қўлланилаётган соҳалар доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Бошқа томондан корпоратив тузилмалар фаолиятида бизнес ривожини аввало мулкдорлар манфаатдорлиги учун хизмат қилса, истиқболда манфаатдор томонлар доираси кенгайиб бориши кузатилиши аниқ ҳақиқат. Шундай шароитда корпоратив тузилмалар фаолиятидан қонуни манфаатдор томонлардан ташқари, улар фаолият юритаётган ҳудуд, давлат ва жамиятнинг ҳам манфаатдорлиги юзга келади. Бунда жамият манфаатдорлигининг таъминланиши борасидаги корпоратив тузилмалар хатти-ҳаракати корпоратив ижтимоий масъулиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Натижа эса давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган айрим лойиҳалар корпоратив тузилмаларнинг ўз ташаббуси асосида амалга оширилишига эришилишида намоён бўлади.

Республикамизда ҳам сўнгги йилларда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларига устуворлик берилаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу борада аввало ҳуқуқий асослар яратилди, мактабгача таълим, қурилиш каби соҳаларда ўзаро шерикчилик муносабатларига асосланган амалиётлар йўлга қўйилди. Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари кўплаб соҳалар ва тармоқларни қамраб олганлиги боис республикамизда бу соҳада эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ниҳоятда кўп. Қўшимча равишда корпоратив бошқарув сифатини ошириш орқали корпоратив ижтимоий масъулиятни кучайтириш натижасида давлатнинг маълум бир ижтимоий функциялари тўлиқ бажарилишига эришиш вазифаси ҳам олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари доирасида ҳам амал қилиши масаланинг ижобий ҳал бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан мазкур тадқиқот ишимизда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида корпоратив ижтимоий масъулият масалалари хусусида тўхталиб ўтамиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида корпоратив ижтимоий масъулият, унинг амал қилиш механизми хорижий мамлакатларда давлат, корпоратив тузилмалар, аҳоли, илмий тадқиқотчилар ҳамда олимларнинг доимий диққат марказидаги масалалардан биридир. Бунда мунозарали жиҳатлар ҳам мавжуд эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур.

Жумладан Нобель мукофоти лауреати М.Фридманга кўра, бизнеснинг ижтимоий масъулияти бу пул қилишдир, дея уни корпоратив эгоизм назарияси сифатида ҳам ифодалаш мумкинлиги қайд этилади. Шунингдек камбағаллик учун кураш давлатнинг иши бўлиб, хусусий бизнеснинг функцияси эмаслиги ва бизнеснинг асосий иши акциядорларнинг фойдасини ошириш эканлигини корпоратив ижтимоий масъулият сифатида илгари суради [1].

И.Ю.Беляева ва М.А.Эскандаровлар бошчилигидаги олимлар гуруҳи корпоратив ижтимоий масъулиятнинг компаниялар фаолиятидаги роли, корпоратив ижтимоий масъулият моделлари, давлатнинг ижтимоий функцияларини бажаришда корпоратив ижтимоий масъулиятнинг аҳамиятли

жиҳатлари ва халқаро стандартлари, ижтимоий инвестициялаш механизмлари алоҳида хусусиятлари, ижтимоий масъулиятни таъминлашда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги кабиларга батафсил эътибор қаратган[2].

Республикамиздаги иқтисодчи олимлардан Ф.Рахматуллаева корпоратив ижтимоий масъулиятни ички ва ташқи ижтимоий масъулиятга бўлган ҳолда ўрганиб, ташқи корпоратив ижтимоий масъулиятнинг амал қилиши мамлакатнинг ва ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтади [3].

М.Шарипова томонидан корпоратив ижтимоий масъулиятнинг халқаро тажрибалари таҳлил қилиниб, манфаатдор томонларга алоҳида эътибор қаратилган. Европа Иттифоқиға аъзо барча давлатлар *2014/95/ЕИ Кўрсатмасига (Directive 2014/95/EU)* риоя қилишға мажбурлиги, унга кўра халқаро йирик компаниялар (камида 500 нафар ходими бўлган) БМТ Глобал шартномаси, ИСО 26000 (ISO), Германиянинг барқарорлик кодекси ва ИХТТ кўрсатмалари асосида яратилган номолиявий, ижтимоий ва экологик масъулиятлар маълумотларини ўз ичига олувчи йиллик ҳисоботларни тайёрлашға ва оммага тақдим этишға мажбурлиги алоҳида қайд этилади [4].

Бугунги кунға келиб қатор хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган йирик компаниялар томонидан айнан корпоратив ижтимоий масъулият бўйича алоҳида ҳисоботлар эълон қилинаётганлигини ҳам шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Уларда айнан ижтимоий соҳаларға корпоратив тузилмалар харажатлари ва амалға оширган ишлари ҳақида батафсил ахборотлар акс этирилмоқда ҳамда кенг жамоатчиликка ошкор қилинмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар**

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари иқтисодиётда борган сари кучайиб бормоқда. Бунда давлат-хусусий шерикчилик маълум бир лойиҳалар, хусусан ижтимоий ва инфратузилма билан боғлиқ лойиҳалар давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкор сифатида амалға оширилишиға асосланади. Бу жараёнда хусусий секторда фаолият кўрсатувчи корпоратив тузилмалар лойиҳани давлат билан ҳамкорликда амалға ошириш натижасида кўшимча фойда олишға интилади.

Корпоратив ижтимоий масъулият эса бевосита ижтимоий ва экологик лойиҳаларда корпоратив тузилмаларнинг ўз ташаббуслари асосида иштирок этиши боис кўпинча кўшимча фойда олишға қаратилмаслиги билан изоҳланади. Мамлакатларда жамият хавфсизлиги ва ривожланишини таъминлаш жараёни тобора янги манфаатдор томонларнинг иштирокини талаб қилиб боради. Айниқса, хусусий секторни, нодавлат ташкилотларини янги манфаатдор томонлар сифатида жалб қилиш имконияти корпоратив ижтимоий жавобгарлик тушунчасини янги истикболли жиҳатини тавсифлайди[5]. Лекин корпоратив тузилмаларнинг ижтимоий лойиҳалардаги фаоллиги кўшимча реклама вазифасини бажариши ўтаб беради ва бу ўз навбатида корпоратив тузилма

нуфузининг ошишига хизмат қилади. Келтирилаётган мазкур жиҳатлар охири-оқибат натижадорликнинг ўсишини ҳам таъминлайди.

Давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларда корпоратив тузилмаларнинг фаол иштироки ўз навбатида ўзаро ҳамкорликнинг кучайишига олиб келади. Бунда давлат-хусусий шерикчилиги ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг умумий ҳамда алоҳида хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Давлат-хусусий шерикчилиги ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг умумий ва алоҳида хусусиятлари**

<b>Давлат-хусусий шерикчилиги алоҳида хусусиятлари</b>	<b>УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАР</b>	<b>Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг алоҳида хусусиятлари</b>
Давлат ташаббуси асосида хусусий секторни ижтимоий соҳага жалб қилиш мақсад қилинади	Ижтимоий соҳада маълум бир муаммо ҳал қилинади	Асосан корпоратив сектор ташаббуси асосида амалга оширилади ва фойда олиш мақсад қилинмайди
Давлат томонидан белгиланган аниқ соҳалар бўйича амал қилади	Ижтимоий соҳа ва инфратузилма бўйича лойиҳалар амалга оширилади	Корпоратив бошқарув юқори органлари қарори асосида амалга оширилади
Давлат маълум бир шароитлар яратиб бериши ёки маълум бир харажатларни қоплаб бериши ва хусусий сектор маблағлари ҳисобига амал қилади	Ҳар иккала ҳолатда корпоратив тузилма (хусусий сектор) маблағлари йўналтирилади	Корпоратив тузилма маблағлари ҳисобига амал қилади
Давлат назорати ва хусусий бошқарув амал қилади	Давлат умумий ва махсус назорати ҳар иккала ҳолатда кўзга ташланади	Корпоратив бошқарув доирасида ҳал қилинади
Давлатнинг ижтимоий соҳа ва инфратузилма борасидаги айрим функциялари ижроси таъминланади, хусусий сектор кўшимча фойдага эга бўлади	Ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нафлилик кузатилади	Корпоратив (хусусий) сектор ижтимоий фаоллиги туфайли жамиятдаги нуфузи ошиб боришига ва ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига эришилади
Инвестициявий ҳамкорлик юзага келади	Инвестиция ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги таъминланади	Корпоратив (хусусий) сектор нуфузи ва инвестиция жозибadorлиги ошади

*Муаллифлар томонидан тузилган*

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат-хусусий шерикчилиги ва корпоратив ижтимоий масъулият бир-бирини ўзаро тўлдирган ҳолда қатор алоҳида ва умумий хусусиятларга эга. Шунга қарамасдан ҳар иккала амалиётда ҳам ижтимоий соҳалардаги ва инфратузилма билан боғлиқ лойиҳалар амалга оширилиши туфайли мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бунинг учун давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида очиклик таъминлаш талаб этилади. Рақамли иқтисодиёт шароитида бундай муносабатлар масофавий ташкил этилишига эришиш лозим. Шунингдек давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ўрнатиладиган соҳа ва тармоқлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки айни вақтда республикамизда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ниҳоятда тор доирада қўлланилмоқда. Шунингдек бу борада алоҳида моделларга ҳам мурожаат қилинаётгани йўқ. Халқаро амалиётда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги базавий моделлари сифатида қуйидагиларга гувоҳ бўлиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги базавий моделлари[2]

Базавий моделлар	Мулкчилик	Бошқарув	Молиялаштириш
Оператор модели	Хусусий / Давлат	Хусусий	Хусусий
Кооперация модели	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат
Концессия модели	Давлат	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат
Шартнома модели	Хусусий / Давлат	Хусусий	Хусусий
Ижара модели	Хусусий	Хусусий / Давлат	Хусусий / Давлат

Келтирилган 2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, базавий моделлар сифатида оператор, кооперация, концессия, шартнома ва ижара моделлари давлат-хусусий шерикчилик халқаро амалиётида кенг қўлланилмоқда. Бунда мулкка эгалик қилиш тартиби, лойиҳанинг ким томонидан бошқарилиши, молиялаштиришдаги алоҳида жиҳатларга эътибор қаратилади. Мамлакатимизда хусусий мактабгача таълим муассасалари бўйича амал қилаётган давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари шартнома моделига мос келади. Бунда давлат маълум бир харажатларни ўзаро шартнома асосида қоплаб бериши таъминланади. Қолган моделлар бўйича мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари деярли кузатилмайди.

Корпоратив ижтимоий масъулият бўйича эса иқтисодиётда давлат иштироки юқорилиги сабабли алоҳида топшириқлар асосида амал қилаётганлини қайд этиб ўтишимиз лозим бўлади. Бундан ташқари худудлар бўйича фаолият кўрсатаётган бизнес субъектлари фаолиятида ҳам корпоратив ижтимоий масъулият элементлари аксарият ҳолатларда маҳаллий ҳокимиятлар топшириқлари асосида амал қилади. Мазкур ҳолатда корпоратив ижтимоий масъулиятнинг амал қилиш механизми бузилади. Чунки корпоратив ижтимоий масъулият ихтиёрийлик асосида, фаолият тўлиқ изга тушиб, даромадлилик мунтазам таъминлангачгина йўлга қўйиш лозим бўлади.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлигининг ташкил этилиши иқтисодиётнинг ҳар бир субъектини корпоратив ижтимоий масъулиятини оширишига хизмат қилиши мумкин. Ўзаро тенг манфатли тенг

ҳамкорлик бевосита рискларинг тенг тақсимланиши даромадлилик ва ҳуқуқларни бузилмаслиги билан тавсифланади[6].

Умумий ҳолда корпоратив ижтимоий масъулиятни корпоратив тузилмалар томонидан аввало ходимлар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, фаолият юритаётган ҳудудни ободонлаштириш, ижтимоий инфратузилмаларни ишга тушириш кабиларда намоён бўлади. Шу ўринда илм-фан тараққиёти, инновацион ривожланиш, ҳаттоки футбол ривожланиши ҳам корпоратив ижтимоий масъулият билан бевосита боғлиқ эканлигини шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда хусусий сектор ривожига тўлиқ эришишга эътибор қаратиш, бунинг учун эса давлат ва хусусий секторнинг бир хил шароитда фаолият юритишини таъминлашимиз шарт бўлади. Натижада бизнес субъектларининг фаолият йўналишлари кенгайиб бориши натижасида юртимизда ҳам конгломератлар ташкил этилишига эришилади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ва корпоратив ижтимоий масъулиятнинг амал қилиши, алоҳида хусусиятлари борасидаги тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар ва таклифлар шакллантирилди:

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг ривожланиши мамлакатимизда ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга хизмат қилади.

Корпоратив ижтимоий масъулият бизнес субъектлари томонидан ихтиёрийлик асосида маълум бир ижтимоий лойиҳани ўз ташаббуси билан амалга оширишига қаратилади. Бунда корпоратив тузилманинг лойиҳалардаги иштироки ижтимоий реклама вазифасини ўтаб беради.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари ва корпоратив ижтимоий масъулият инвестиция муносабатларининг кенгайишига сабаб бўлади. Натижада бизнес субъектлари ижтимоий ёки иқтисодий фойда олиш имконияти юзага келади, давлатнинг эса маълум бир харажатлари қисқаради.

Мамлакатимизда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тор доирада амал қилмоқда. Ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда бундай муносабатларни соҳа ва тармоқлар бўйича кенгайтириш лозим.

Хусусий бизнесда корпоратив ижтимоий масъулият кўламини ошириш мақсадида давлат ва хусусий секторнинг бир хил шароитда ишлашини таъминлаш орқали хусусий бизнес тараққиётига эришиш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Milton Friedman. The Social Responsibility of Business is Increase its Profits. The New York Times Magazine, 1970
2. Беляевой И.Ю., Эскандарова М.А. Корпоративная социальная ответственность. Учебник. – М.: “Кнорус”, 2018. – 316 с.
3. Рахматуллаева Ф. Корпоратив ижтимоий масъулият концепциясининг моҳияти ва ривожланиши. – Тошкент, 2016. – Biznes-Эксперт. – №7.

4. Шарипова М. Корпоратив ижтимоий масъулият: ихтиёрийми ёки мажбурий? <https://uzanalytics.com/siyosat/3874/>

5. Angela O., Camelia I. Social Responsibility in Public Services Organizations The case of Tîrgu-Mures Penitentiary, *Procedia Economics and Finance* doi:10.1016/S2212-5671(12)00226-2 [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)

6. Patricia M., Leire L., Jose M. A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process, *A framework for public-private-people partnerships in the city resilience-building process*, doi.org/10.1016/j.ssci.2017.12.011, [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com)